

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни»
номи билан чиқа бошлаган№ 27 (65854)
1995 йил, 25 июль, сешанбаСотувда
эркин нархда

Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

«ТЕТИКЛИГИМ БОИСИ...»



Бобонинг юз-кўзларига табассум югурди. Нуроний чехраси янада нурлангандай бўлди.

— Тетиклигим, узоқ умрим боисини сўраяпсанми, болам? — Умр бўйи ҳалол меҳнат қилдим. Худонинг берганига шукур қилиб, кўпроқ пул топаман, бойлик орттираман деб ўзимни ўтдан чўққа урмадим. Ватанимга, халққа қўлимдан келганича хизмат қилдим. Олти фарзандимни ҳам ана шундай тарбияладим. Ватан чорлади — фашист билан жанг қилдим, 3-Украина фронтида снайпер эдим. Жанговар мукофотлар билан жонажон Ўзбекистонимга соғ-саломат қайтдим.

Оллоҳга минг қатла шукурки, Ўзбекистонимнинг мустақиллигини ўз кўзим билан кўрдим. Бу кунларни орзу қилиб, етмаганлар қанча...

Ҳа, Тойир бобо Исломов айтганларидек, бу кунларни орзу қилганлар қанчадан-қанча эди. Шунинг учун ҳам бобо ўзини энг бахтли инсонлардан санайди. У киши Тошкентнинг «Янгиобод» маҳалласида каттаю кичикнинг маслаҳатгўйи, энг ҳурматли отахони.

СУРАТДА: Тойир бобо ўқувчилар даврасида.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Буюк Британиянинг «Юнимед» мустақил ахборот маҳкамаси мухбирлари Таиза Боск ва Эдриан Бэннокни қабул қилди. Хорижий журналистлар ҳозирда мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан танишишмоқда.

Пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари болалари, ногирон ва етим болалар яқинда ишга туширилган «Тошкентленд» боғининг меҳмони бўлишди. Уларга бу ерда бепул хизмат курсатилди.

Оролбўйи ҳудудининг юз нафар мактаб ўқувчиси Молдова Республикасининг Днестр дарёси соҳилидаги дам олиш масканига жўнаб кетди. Улар бепул йўлланма билан 20 кун давомида дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашади.

Мингбулоқ туманидаги Гулбоғ пахта тозалаш заводи ўзи оталиққа олган 30-мактабга қарийб бир миллион сума ажратди. Маблағнинг асосий қисми мактабни таъмирлашга сарфланади.

Болаларнинг машҳур «Артек» оромгоҳида «Юлдуз» болалар ансамбли иштирокида Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди.

Ёз фасли тугамаган бўлса ҳам Наманган вилоятидаги мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда болаларни 1-синфга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Андижондаги 27-автобус паркини ҳудуддаги 6-урта мактабга 50 минг сўм утказди.

Саломатликнинг ёш дўстлари

«ТЕЗ ЁРДАМ» КЕЛГУНЧА...

Бу воқеа утган ўқув йилининг бошларида бўлган эди. Юқори қисмига «мактаб ҳамшираси» деб ёзиб қўйилган эшик тўсатдан тарақлаб очилди.

— Вой қизлар, ҳамшира опа қанилар, футбол мусобақасига келган болаларнинг бири йиқилиб тушди, туپигидан оққан қон тўхтамаяпти! — деди ваҳимадан ранги қув учган қизча.

Хонада доривор гиёҳларни саралаш билан машғул бўлган тўрт қиз бир-бирига дарров қараб олишди. Кейин тезлик билан шкафдан шишада турган сариқ суюқлик, пахта, дока, ва яна алланарсаларни олиб ташқарига югуришди.

— Туپигингдаги майда қон томири кесилибди, қўрқма, — «бемор»ни тинчлантирди қон чиқаётган жойдан юқори-роқ қисмини сиқиб боғлаётган Насиба. Юлдуз эса яра атрофини йодга хуланган пахта билан артиб чиққач, сариқ сув билан уша жойни ювди. Орадан куп утмай қон тўхтади, Ёш ҳамширалар «тез ёрдам» келгунча дастлабки муолажани қилиб бўлишган эди.

Биз ҳикоя қилаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» гуруҳи аъзолари Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги



10-мактабда ўқишади. Улар ёзги таътил учун аниқ, пухта режа тузиб олишган эди. Шунинг учун ҳам айни кунларда пишиб етилган доривор гиёҳларни йиғиш ва қўриқтириш билан машғул бўлишмоқда. Мабодо зарур бўлиб қолса биринчи ёрдам курсатилиши ҳам қотириб ташлашади.

Суратда: (чапдан ўнгга) Насиба Жўраева, Шаҳри Азимова, гуруҳ раҳбари К. Қобилова, Юлдуз Саидова, Шаҳри Жуманиёзовалар доривор гиёҳлар бўйича тўпланган маълумотларни ўртоқлашмоқдалар.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.



ОЙИМ, ДАДАМ ВА КЕННОЙИМ



Уйимизда ортиқча нарса жуда куп. Дахлиз, шкаф, омборхона, ҳатто каравотларнинг ости ҳам буюмларга тула. Бунинг боиси дадамнинг кунгил бўшликлари. Нега десангиз, кимда-ким пул зарур бўлиб бирор буюмни сотмоқчи бўлса-ю, сота олмаса, дарров олиб қўя қоладилар. Узимизга пул зарур бўлса ҳам ишлари йўқ. Шунинг учун ҳам сира ортиқча маблагимиз бўлмайди. Бир куни дадамга билдирмай ҳамма олиб келган нарсаларини чиқиндихонага ташлаб юбордим. Дадам урушмоқчи бўлдилару, кулиб юбордилар.

НЕГА КОЙИМАЙСИЗ?

Ойим сира койимайдилар. Ишонасизми, мен она-жонимнинг баъзан урушиб, баъзан бақириб беришларини, ҳатто юзимга тарсаки туширишларини истайман, баъзан раъйимни қайтаришларини, «Йўқ рухсат бермайман, бор анави ишни қил» дейишларини истайман. Ойим бўлса, мен нимани истасам шунга рози бўладилар. Бир куни ўртоқларим билан туман марказидаги уйингоҳга бориб келишимни айтиб, рухсат сурадим. Ойим одатдагидек рози бўлдилар. Қайтишда бир «дустим» билан жанжаллашиб, роса муштлашдик. Ҳеч ким бизни ажратмади.

«Ойижон мени нега юбордингиз, йўқ десангиз бўлардию» дедим йиғлагудек бўлиб. «Юбормаганимда ўртоқларингизни қандай эканлигини билиб ололмасдингиз» дедилар, ойимлар...

БУ БАҲОНАМАС-ДА

Кеннойим шифокор. Авваллари жуда мулойим, ширинсўз, меҳрибон эдилар. Бирортамиз касал бўлиб қолсак, парвона бўлардилар. Нима бўлдию, улар «тез ёрдам»га ишга ўтдилар. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, ўзгара бошладилар. Кўпол, менингча шафқатсиз, овозларини баландлатиб гапирадиган бўлиб қолдилар. Ҳатто бирортамизнинг бирор еримиз оғриб қолгудек бўлса, «Нега ўзингизни эҳтиёт қилмайсиз?» деб бақириб берадиган бўлдилар. Бориб-бориб бизда шифокор сифатида кеннойимга мурожаат қилишга ҳам истак сўниб бормоқда. Бир куни негадир сўрагим келди-да: «Кеннойи, нега бунча ўзгариб, бошқача бўлиб қолдингиз?» дедим. У бир хўрсинди-да: «Ишимиз шунақа, одамлар жуда инжиқ, уларни тушуниб бўлмайди, баъзан ити касал бўлса ҳам «тез ёрдам»га кўнгирак қилишади. Баъзан юқори қаватларга ҳаллослаб чиқиб борганимизда: «Қайтиб кетаверинглар, энди анча тузук» деб қайтариб юборишади. Гапираверсанг, гап куп, сиз бунни тушунмайсиз» дедилар. Мен ростдан ҳам тушунмадим. «Бу барибир баҳона эмас-да», деб қўйдим.

Тахририятдан: Турсуной СОЛИЕВА.

Азиз болалар! Юқоридагиларни эълон қилишимиздан мақсад, сиз ҳам ўз оилангиздаги ўзларини тутишлари сизга яхши томондан ибрат бўладиган катталар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари сизга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида бизга ёзиб юборинг. Энг яхши мактубларни, ҳатто бир қатор бўлса ҳам газетамизда эълон қиламиз ва мактубларингизни кутамиз.

КИЧИКЛАРНИНГ КАТТА ДЎСТИ

— Фазила опа, менга Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» номли китобини беринг.

— Менга-чи, Мухтор Худойқуловнинг ҳажвий ма-салларини...

Айни таътил кунларида Қизилтепа тумани маданият бўлимига қарашли 11-кутубхонанинг болалар кутубхоначиси Фазила Асланованинг қўли қўлига тегмаяпти. Кутубхона болаларнинг севимли жойи, зиё масканига айланган. Кимдир китоб янги, яна ким ўқиб чиққан китобини топшириб, янгини олиб кетади. Фазила опалари уларга китоб танлашда кўмаклашади, савол-жавоблар ўтказади. Фурсат топиб, боғча кичкинтойлари ҳузурида ҳам тез-тез бўлиб туради. Яқинда Фазила Асланованинг ташаббуси билан Майта қишлоғида жойлашган «Нафиса» болалар боғчасида «Мустақил юрт фарзандлари» мавзуида эртаклик бўлиб ўтди. Фазила опа болажонларга мустақилликнинг ўзи нима, у туфайли қайта тикланаётган миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида ҳикоя қилиб берди, китоб билан дўстлашишга чақирди.

Лобар Саидов, Азимжон Қўчқоров, Дилноза Собирова каби жажилар ҳам ўз билимдону зукколикларини намойиш этдилар. Мустақиллик ҳақида шеърлар айтиб, қўшиқ ва куйлар ижро этишди.

Нафақат кичкинтойлар, кечадан бир олам таассуротлар олган уларнинг ота-оналари ҳам Фазилахон Аслановадан миннатдор бўлишяпти.

Сочоқ ЭГАМОВ,
Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги
«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.



Бирдан икки яхши, иккидан — уч

Бугунги суҳбатимиз анъанавий мавзулардан бир оз четга чиққан бўлиб, у ҳаёлот билан боғлиқ. Тасаввур қиламиз қўлимизда анча-мунча пулимиз бор. Ёки бўлмаса катта лавозимга эгамиз. Ёинки қўлимизда сеҳрли таёқчани уйнатиб турибмиз — сеҳргармиз. Биз билан ўша тасаввуримиз ўртасида биргина чизикча тортилган. Шу чизикчадан ўтишимиз керак. Ўтдик ҳам. Энди қандай ўзгарамиз? Мен ташқи кўринишимиз ҳақида гапирётганим йўқ. Ички дунё-миз. У ўзгармай қолдими? Меҳр, шафқат, одамийлик деган хислатларингиз пул, мансаб ва сеҳр қудрати билан бирга уйғунлаша олдими? Ёки пулингиз, лавозимингиз ва ажиб хусусиятингиз кўзингизни кўр қилиб қўйдими? Энди ҳаёлот чизигидан ўтинг-да, хоҳлаган инъомингизни олинг, марҳамат!

Сўз лицейда Сурхондарёдан келиб тахсил кўраётган ўқувчи Ёдгор Раҳматовга:

— Мен сеҳргар бўлсам, ўзи юрар танклар, отса ҳам ўлмайдиган аскарлар, ўзи учиб бориб душманга даҳшатли зарба берадиган самолёт ва вертолёт чиқарардим. Мен ўз уйимни дунёда йўқ қаср қилиб олар эдим. Мен шу уйда туриб, ҳамма танк, вертолёт, самолётларни, аскарларни компьютер билан бошқариб турар эдим. Мен сеҳргар бўлсам ҳар хил тортлар, етмиш хил таомлар ҳозир қилардим. Кейин катта мансабдаги кишиларни чақириб бир базм уюш-

тирардим.

— Тўхтанг, Ёдгоржон, сеҳрли таёқча хиралаша бошлапти-ку. Агар шунча куч-қудратингиз бўлса, мансабдор шахсларнигина кўрар эдингизми?

Ёдгор: — Бошқа одамларни ҳам қуруқ қуймасдим. Халқни ҳеч нарса-



дан қийналтирмас эдим. Дунёда умуман уруш деган сўзни ишлаттирмас эдим. Бу сўзни ишлатган одамни 40 дарра урдирар эдим.

Ёдгоржон бир оз шошиб қолди шекилли. Демак, сеҳргар бўлиш ҳам осон эмас экан. Сеҳрли таёқча қўлига тушиши билан биргина сўзни ишлатган одамни қирқ дарра урдириш инсофдан бўлмаса керак. Нима дейсиз?

НИГОРА Қосимхўжаева:

— Тўғри бўлмайди албатта. Агар мен сеҳргар бўлсам, дунёдаги энг катта шифокор бўлиш ва дунёни кезиб чиқишдек орзуимга эга бўлардим. Жаҳондаги барча камбағалларни бойлар билан тенг қилар эдим. Улар ўртасидаги муносабатлар яхши-

ланиб, шароитлари ҳам бир хил бўларди.

— Унда ўз меҳнати билан бойлик орттирганлар сиздан хафа бўлишмасмикан? Барча ишқўмаслар олдида биронинг пешона тери билан топилган бойликлари пайдо бўлиб қолсая, бу сеҳргар жуда адолатсиз экан, дейишмайди?

НИГОРА:

— Йўқ, мен улар ҳақида гапирётганим йўқ. Ўғрилар, судхўрлар, пора-

хўрлар ва дунёдаги барча ярамас иллатли одамларни жазолардим, холос.

— Ундай бўлса, бошқа гап. Энди сеҳрли таёқчани НАРГИЗА АҲМЕДОВАнинг қўлига берамиз.

НАРГИЗА:

— Дунёда тинчлик бўлиши учун ҳаракат қилардим. Кейин Ўзбекистонимни янада тезроқ ривожлантириш учун ўз ҳиссамни қўшган бўлар эдим. Олий ўқув юртларини, лицейларни, академияларни, малака ошириш институтларини кўпайтирардим.

— Нарғиза, сеҳргар учун билим даргоҳларини кўпайтириш осон, лекин... Мен шу ўринда Лаггиннинг «Чол ибн Хаттоб» деган асарини ёдга

БИЛИМЛИ ЭЛИНИ ОҚЛАЙДИ

Ҳа, билимли инсон элини оқлайди. Ўз обрусини сақлайди. Бундайларни эса ҳамма мактайди. Ана шундай макталмоқ учун, обрусини сақлаб, элининг нон-тузини оқламоқ учун ёшликланок ўз мамлакатининг маданияти, тарихи, тили, урф-одатларини чуқур урганишга киришмоқ лозим. Ва уларни уйддаладими, ўзга халқларнинг, ўзга мамлакатларнинг, ютуқларини ҳам эгаллашга киришмоқ лозим. Бунини Тошкент Шарқ тиллари лицейи жуда яхши уйддалаяпти. Лицей шу кунларда туртинчи ўқув йилини бошлашга тайёргарлик курмоқда. Лицейга шарқ тилларини урганишга алоҳида иқтидори бўлган, 8-синф ҳажмида мукаммал билимга эга бўлган ёшлар махсус танлов йули билан қабул қилинади. Лицей таълимига тайёрловчи биринчи босқич 8-9-синфларни ўз ичига олиб умумтаълим фанлардан айниқса, гуманитар ва ижтимоий фанлардан чуқур ва такомиллаштириб таълим бериш билан бирга шарқ тиллари араб, форс, ҳиндий ва инглиз тилини мукаммал урганиб, тулиқ тушуниш куникмалари амалга оширилади. 10-11-синфлар эса чин маънода лицей таълими ҳисобланиб, у шарқ мамлакатларининг тарихи, маданияти, этнографияси, географияси, урф-одатлари, тил шевалари ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ махсус курсларни инглиз тилида ёки танлаган ихтиёрий тилларда бево-сита урганишга асосланган. Шу билан бирга ўқувчилар шарқ тиллари ва инглиз филологиясининг назарий асослари билан танишадилар. Таржимонлик амалиёти ҳамда оғзаки нутқ ва талаффузни устириш билан шугулланадилар. Лицейда жаҳон иқтисодий йуналиши бўйича ҳам ихтисос гуруҳлари ташкил қилинди. Ўқувчилар халқаро иқтисодий бизнес ва бухгалтерия ҳисоби бўйича чет эл тажрибасини ва

компьютер санъатини пухта ўрганадилар. Лицейда таҳсил олаётган 350 га яқин ўғил-қиз тил сабоқларини эгаллаш, уни пухта ўзлаштириш, тинимсиз мутолаа билан банд. Бир йула турт тилни, она тили, рус тили, инглиз ва танлаган шарқ тилини пухта эгаллаш, чуқур билимли, жисмонан соғлом, ақл-заковатли бўлиш шарқ тиллари лицейи ўқувчисига хос хислатлардир. Дарс машғулотлари жуфт соатлар тарзида 80 минут давом этади. Унда олий ўқув юртларининг таниқли профессор ва олимлари, шунингдек катта педагогик маҳоратига эга бўлган тажрибали ўқитувчилар сабоқ берадилар. Ўқув йили давомида олий ўқув юртларидек, икки марта, қишқи ва ёзги сессия имтиҳонлари утказилади. Лицейда олий ўқув юртлари тажрибаси ҳар тарафлама кенг қўлланилади. Жумладан, унда олгита фан кафедралари фаолият курсатиб, лицей ўқувчи ва ўқитувчиларининг ўқув фаолияти ва илмий-ижтимоий фаолиятини бошқариб боради. «Ахли-ал илм» деб номланган кичик фанлар академияси зиммасига ўқувчиларнинг машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш юклатилган. Лицейда спорт соғломлаштириш ва турли-туман тугараклар ишлаб турибди. Лицей ўқувчиларининг 70 фоизга яқини шарқ мамлакатлари филологияси, этнографияси, тарихи, демографик ва экологик муаммолари бўйича малакали устозлар кумагида изланмоқдалар. Битирувчи синф ўқувчилари хорижий ва ўзбек тилларининг грамматик қоидаларини қиёслаш, араб ва бошқа ўқитиладиган тилларда сузлашадиган халқларнинг шеваларини таҳлил қилиш, ижодий таржима билан шугулланиш, ўзбек тилига ағдарилган матнни ҳар томонлама таҳлил этиш устунлик қилади. Лицей ўқув хоналари энг янги ўқув анжомлари билан жиҳозланган. Компьютер ва лингафон хоналари, махсус тил урганиш лабораториялари ҳар кун эрталабдан кечга қадар ўқувчилар билан банд бўлади. Замон талаб қилган даражада билимли, кенг маълумотли шарқшунос мутахассис бўламан десангиз, шарқ тиллари лицейига марҳамат!



Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 309-шарқ тиллари лицейи, мазкур лицей қошида очилган умумтаълим мактабининг 8-синфига 1995-96 ўқув йили учун иқтидорли ўқувчиларни қабул қилади.

Ушбу билим даргоҳига мактабларнинг 7-синфини аъло баҳолар билан тутатган ўғил-қизлар қабул қилинади.

Лицейда дарслар ўзбек, инглиз ва шарқ тилларида олиб борилади. Замонавий компьютер ва лингафонлар билан жиҳозланган лабораториялар мавжуд. Лицейда замонамизнинг юксак талабларига жавоб берадиган:

а) шарқ мамлакатлари филологияси

б) жаҳон иқтисодиёти мутахассислиги бўлимлари бор.

КИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР:

1. Ариза

2. Маълумоти тўғрисида гувоҳнома (табелъ)

3. Тиббий маълумотнома 086/у

4. 3х4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

5. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси.

Шунингдек, ўқувчилар Ўзбекистон давлат мадҳиясини, байроғи ва гербидаги белгиларни ёддан билишлари керак.

Хужжатлар 1995 йилнинг 12 июлидан 31 июль кунигача лицей қабул комиссиясига топширилади.

Суҳбат ва тестлар 15 августдан 25 августгача ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент, О. Бобожонов кўчаси, 20 уй, транспорт: автобуслар: 10, 85, 14, 100; трамвай: 27, Шимолий олмазор бекати, телефон: 48-50-97.



олмоқчиман. Волька телефон қилмоқчи бўлганда, у ерда навбатга турганлар кўп эди. Бунини кўрган Ибн Ҳаттоб дарров иккинчи телефон хонасини пайдо қилади. Волька хурсанд бўлиб, хона ичига киради, аммо у ерда гаплашишнинг иложи йўқ эди. Сеҳргар Ибн Ҳаттоб телефон қутисини ажойиб қилиб ишлаган экану ичи бўш экан. Айтмоқчиманки, ҳатто энг сеҳрли таёқча ҳам ажойиб илмий даргоҳлар учун қурилган бинолар, ҳашаматли уйлар курсада, уни ҳақиқий билимдон мутахассислар, олимлар билан тўлдириш учун сеҳргардан ҳам кўп билим талаб қилинар экан.

МАХБУБА АХМАДХУЖАЕВА:

— Онам яқинда бир воқеани айтиб бердилар. Бир аёл ёлғиз ўғлини вояга етказибди. Унинг турмуш ўртоғи ҳалок бўлган экан. Ўғил вояга етгач, уйлантирибди, Ёлғиз ўғил ҳовли-жой учун хотини билан тил бириктириб онасини ўлдирибди. Сеҳргар бўлсам шундай ёвуз одамларни йўқ қилар эдим. Қариялар ва болалар уйини ҳам.

— Унда ташландик болалар билан қаровсиз қариялар қамайиб қолармиди?

МАХБУБА:

— Ҳамма болаларни ота-оналари билан, ҳамма қарияларни ўз болалари билан яшайдиган қилар эдим. Барчага бирдек таъсир қилувчи меҳр дорисини тайёрлардим. Ва ҳаммани ундан баҳраманд қилар эдим.

Шунда меҳр дориси уларнинг қотиб қолган юракларини юмшатар, жаҳолат ва лоқайдлик ўрнини меҳр-муруват эгаллар эди.

М. ШОДИЕВ:

— Агар мен сеҳргар бўлсам барча ногиронларни тузатиб, инсонларнинг умрини узайтирардим. Умуман барча барҳаёт бўлса, ҳеч ким ўлмас.

— Унда ҳаётнинг қизиги қолармикан?

ГАВҲАР АСОМОВА:

— Тўғри айтасиз, мен бир фильмин кўрган эдим. Бир одам абадий умр бахш этувчи дори ихтиро қилган бўлиб, уни қизи ичиб қўяди. Қизининг тенгдошлари, ундан кейинги авлод ҳам вояга етади. Аммо қиз аввалгидек ёш... Энг ёмони, отаси севган қизни энди ўғли ҳам севиб қолади. Ҳаёт унинг учун тўхтаб қолганлигини билган қиз ўз жонига ўзи қасд қилади. Менимча, Оллоҳ берган ўша 80-100 йиллик умрни инсон мазмунли, қизиқарли, ўзидан кейинги авлод учун фойда келтирувчи ишларга бахшида этса шунинг ўзи кифоя деб ўйлайман. Яна мен ер юзи экологиясини ҳам яхшилар эдим. чунки у инсонларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилдир. Ундан кейин одамларнинг қалбини билиб оладиган асбоб яратар эдим. Ахир ёлгончилик ҳамма иллатларни — иккиюзламачилик, порахўрлик, тўхматни келтириб чиқаради. Дили ва тили бошқа одамларни жазога маҳкум этардим.

РАВШАН ЖУМАЕВ:

— Гавҳар айтганидек, ҳамма нараса одамнинг қалбига боғлиқ экан. Дили пок одамлардан иборат жамиятнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Ахир жамият бу кичик оила. Оилада ҳам кишилар бир-бирига ғамхўр ҳамнафас бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгса бўлади. Шу ерда мен икки ака-ука ҳақидаги эртаси эсладим. Кекса, бадавлат, лекин бола-чақаси йўқ, укаси бўлса камбағал, серфарзанд. Ака укасининг серфарзандлиги ҳақида ўйлайди. Уларга дон камлик қилар деб ўзининг донини уларнинг омборига солади. Укаси эса акаси ҳақида ўйлаб, ҳеч нарсадан беҳабар донни акасига қайтаради. Мен айтмоқчиманки ҳар қандай юзаки сеҳрдан кўра юракдаги меҳр устун турса керак.

ГУЛНОРА ҲИКМАТОВА:

— Равшан тўғри айтди. Тасаввур қилинг. Минг сеҳргар бўлину, ота-она, дўсту биродарларнинг меҳридан маҳрум бўлсангиз, бундай сеҳргарликнинг сира кераги йўқ.

МУАЛЛИФ:

— Суҳбатимиз жуда қизиқарли уятпти. Лекин барча яхши нарсанинг охири, чегараси бўлади, деганларидек, ушбу суҳбатимизнинг ҳам якунини яшаш керак. Мени ҳайрон қолдирган нарсаси шунки, ҳаммангиз сеҳргар бўлишни орзу қилибсиз, аммо ҳеч қайсингиз на лавозимини, на пулни орзу қилибсиз.

ГУЛНОРА:

— Менимча, сеҳргарлик имконияти раҳбарлик ва миллионернинг имкониятидан кўра кенг деб ўйлашса керак.

МУАЛЛИФ:

— Ҳа, шундай бўлса керак. Демак, ҳаммангиз ҳам ўзингиз ва жамиятингиз учун имкониятингиз ва дунё-қарашингиз нуқтаи назаридан фойда келтиришга ҳаракат қиларкансиз. Лекин Гулнора тўғри айтгандай ҳар қандай бойвачча ёки сеҳргар бўлманг барибир пул ва сеҳрдан ҳам устун турадиган нарсаси — бу инсонларнинг меҳр-оқибати бир-бирига ғамхўрлиги ва дўстлигидир. Агар инсонда шу хусусиятлар бўлмаса қўлидан сеҳр келмайдиган оддий инсон ҳам сеҳргар қила олмаган ёмон ишларни қилиши, қобилияти яхши хислати бор одам эса сеҳргар қўлидан келмайдиган эзгу ишларни бажариши мумкин. сизлар учун энг арзон тушадиган, лекин бошқалар учун жуда қimmat бўлган оддий нарсалар: яхши гап, эътибор, ҳурмат. Буларсиз инсоният яшаб ривожлана олмайди. Бу хулосага келишимизга сеҳрли таёқча бир сабаб бўлади, холос.

Суҳбатни Қибрайдаги 45-лицейнинг болалар тиббиёти олийгоҳи гуруҳининг ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Кавсар ТУРДИЕВА олиб борди.

